

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Бухоро тумани

2023 йил 21 август

Бухоро туманлараро иқтисодий суди, судья Д.Чориев раислигида, судья ёрдамчиси Р.Расуловнинг котиблигида, даъвогар вакили Р.Курбонов (ишончнома асосида) иштирокида, даъвогар Бухоро тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармасининг жавобгар “**Фарход Фирдавс Обод**” фермер хўжалигига нисбатан **6.684.284 сўм** аъзолик бадалини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича ишни Бухоро тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши биносида, очиқ сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Бухоро тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (бундан кейин матнда даъвогар деб юритилади) ва “**Фарход Фирдавс Обод**” фермер хўжалиги (бундан кейин матнда жавобгар деб юритилади) ўртасида **2018 йил 20 июнь куни 330-сонли** аъзолик шартномаси имзоланган. Шартномага кўра даъвогар жавобгарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий ташкилий шакли сифатида унинг ўрнини ошириш, иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш каби ишларни амалга ошириши, жавобгар даъвогарга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги ПҚ-3680-сонли қарорига асосан пахта ва ғалла хомашёси сотишдан тушган тушумнинг 0,8 фоизи, бошқа фермер хўжаликлари учун улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан тушган пул маблағларининг 0,5 фоизи миқдоридан аъзолик бадали тўлаши лозим.

Жавобгар аъзолик бадалини тўлаб бермаганлиги сабабли тарафлар ўртасида низо келиб чиққан.

Шу сабабли даъвогар манфаатида палата судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан **6.684.284 сўм** аъзолик бадали ва олдиндан тўланган суд харажатларини ундириб беришни сўрамоқда.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили даъвони қувватлаб, ундаги важларни такрорлаб, судга мурожаат қилингандан сўнг ҳам қарздорлик қопланмаганлигини билдириб, даъвони қаноатлантиришни сўради.

Палата ва жавобгар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида лозим даражада хабардор қилинган бўлсада, суд мажлисида вакил иштирокини таъминлашмади. Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан кейин матнда “ИПК” деб юритилади)нинг 128 ва



170-моддаларига асосан ишни уларнинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топади.

Суд иш ҳужжатларини атрофлича муҳокама қилган ҳолда, даъвони тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, тарафлар ўртасида аъзолик шартномаси имзоланган. Шартномага кўра даъвогар жавобгарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий ташкилий шакли сифатида унинг ўрнини ошириш, иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш каби ишларни амалга ошириши, жавобгар даъвогарга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги ПҚ-3680-сонли қарорига асосан пахта ва ғалла хомашёси сотишдан тушган тушумнинг 0,8 фоизи, бошқа фермер хўжаликлари учун улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан тушган пул маблағларининг 0,5 фоизи миқдорида аъзолик бадали тўлаши лозим.

Шартноманинг 6.2-бандига кўра шартнома имзоланган кундан бошлаб қонуний кучга киради ва қонун ҳужжатларига асосан ҳамда фермер хўжалигининг ер ижара шартномаси қонуний бекор бўлиш ҳолати содир бўлганга қадар амал қилади.

Жавобгар тўланиши лозим бўлган аъзолик бадалини тўлиқ тўлаб бермаганлиги учун тарафлар ўртасида низо келиб чиққанлиги сабабли даъвогар манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси (бундан кейин матнда палата деб юритилади) судга ариза билан мурожаат қилиб, мазкур қарздорликни ундиришни сўрамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан кейин матнда “ФК” деб юритилади) 234-моддасининг иккинчи қисмига кўра, мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади. Ушбу ҳолатда тарафлар ўртасидаги мажбурият шартномадан келиб чиққан.

ФКнинг 236-моддасига асосан мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса – иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йил 26 апрелдаги ПҚ-3680-сонли қарорининг 3-бандига асосан 2018 йил 1 июлдан барча фермер ва деҳқон хўжалиklarининг кенгашига аъзолиги мажбурий ҳисобланади. Мазкур қарор 4-бандининг биринчи хатбошисига кўра пахта хомашёси ҳамда донли экинлар етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари учун аъзолик бадали пахта хом ашёси ҳамда доннинг харид нархидан 0,8 фоиз миқдорида белгиланган.

Иш ҳужжатларидаги шартнома, мавжуд қарздорлик бўйича солиштирма далолатнома, қарздорлик тўғрисидаги маълумотномаларда фермер хўжалиги томонидан сотилган пахта ва ғаллани сотишдан олган пул суммалари ҳамда фермерлар кенгашига тўланиши лозим бўлган аъзолик бадаллари аниқ кўрсатилган.



Суд даъвогарнинг 6.684.284 сўм аъзолик бадали ундириш тўғрисидаги талабини муҳокама қилиб, мазкур ҳолат ишдаги ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топганлигини эътироф этган ҳолда ушбу талабни тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Суд ундирилиши лозим бўлган давлат божи ва почта харажатларини муҳокама қилиб, низонинг келиб чиқишида жавобгарнинг айби мавжудлигини эътироф этган ҳолда суд харажатларини жавобгардан ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, ИПКнинг 118, 128, 170, 176-179, 180, 186-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л д и :

Даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар “Фарход Фирдавс Обод” фермер хўжалигидан даъвогар Бухоро тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши фойдасига 6.684.284 сўм аъзолик бадали ва олдиндан тўланган 33.000 сўм почта харажатлари ундирилсин.

Жавобгар “Фарход Фирдавс Обод” фермер хўжалигидан Республика бюджетига 330.000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ижро варақалари берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан бир ой муддат ичида Бухоро туманлараро иқтисодий суди орқали Бухоро вилоят судига апелляция тартибида шикоят келтириш мумкин.

Судья

Д.Чориев

